

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Акциядорларининг навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг
2023 йил “27” июндаги
1-сонли баённомаси билан



Йиғилиш раиси

_____ **Ф. Нурғалиев**

М.Ў.

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
“Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига
киритилган ўзгартиришлар ва қўшимча

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгаши мажлисининг
2023 йил “15” июндаги 31-сонли баённомаси билан

Кузатув кенгаши раиси



_____ **О. Исаков**

Бошқарувининг
2023 йил “12” июндаги 76-1-сонли қарори билан

Бошқарув раиси



_____ **О. Бутаев**

Тошкент – 2023 йил

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
“Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига
киритилган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Низомнинг 1.6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади”.

2. Низомнинг 1.12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1.12. Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви миноритар акциядорларнинг қонунчиликда ва Банк Уставида белгиланган ўрни ва ҳуқуқлари чекланилишига йўл қўймайди, шунингдек Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидagi масалалар, жумладан йирик битимлар тузиш бўйича маслаҳатлар ўтказилишини ташкил этади”.

3. Низомнинг 2.1-банд “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш”;

4. Низомнинг 2.1-банд “е” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“е) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ёки камайитириш”;

5. Низомнинг 2.1-банд “з” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“з) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарувини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк Бошқарувининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Банкнинг “Бошқаруви тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш”;

6. Низомнинг 2.1-банд “и” кичик банди чиқариб ташлансин.

7. Низомнинг 2.1-банд “к”, “л”, “м”, “н”, “о”, “п”, “р”, “с”, “т”, “у”, “ф”, “х”, “ц” кичик бандлари тегишинча 2.1-банд “и”, “к”, “л”, “м”, “н”, “о”, “п”, “р”, “с”, “т”, “у”, “ф”, “х” кичик бандлари деб ҳисоблансин.

8. Низомнинг 2.1-банд “л” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“л) Банк Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш”;

9. Низомнинг 2.6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.6. Мазкур Низомнинг 2.1-банди “а”, “б”, “в”, “д”, “л”, “р” ва “с” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок



Del

этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади”.

10. Низомнинг 2.7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.7. Ушбу Низомнинг 2.1-банди “а” ва “т” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат Кузатув кенгашининг тавсиясига биноан қабул қилинади”.

11. Низомнинг 2.10-банд олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Банкнинг Бошқарувини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш), Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш”;

12. Низомнинг 2.10-банд еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Банкнинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш”;

13. Низомнинг 3.4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлар рўйхатига киритилган, умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, уларнинг вакиллари, Банк аудитори (ташқи аудитор ва ички аудит хизмати ходимлари), Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар (Банк Кузатув кенгашига сайлаш бўйича овоз бериш бюллетенига киритилган номзодлар ҳам таклиф этилишлари мумкин)”.

14. Низомнинг 4.4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиғанда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Банк Кузатув кенгашининг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Банкнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Банкнинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Банкнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси, Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси ва кун тартиби юзасидан бошқа зарур маълумотлар кирди”.

15. Низомнинг 4.6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.6. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кузатув кенгашига унинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно”.

16. Низомнинг 4.7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.7. Акциядорлар (акциядор) Банк Кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши

тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли”.

17. Низомнинг 4.9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.9. Банк Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Банк акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади”.

18. Низомнинг 4.11-банд биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.11. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Банкнинг Кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно”:

19. Низомнинг 4.12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.12. Банк Кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк Кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади”.

20. Низомнинг 4.13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.13. Банк Кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк Кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин”.

21. Низомнинг 5.1-банд биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра қуйидагилар асосида ўтказилади”:

22. Низомнинг 5.1-банд учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

23. Низомнинг 5.1-банд тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегишинча 5.1-банд учинчи ва тўртинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

24. Низомнинг 5.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.2. Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади”.

25. Низомнинг 5.4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.4. Банкнинг Кузатув кенгаши Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг)

Deed

талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибдаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас”.

26. Низомнинг 5.7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.7. Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида Банк Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида ёки йиғилишни чақиритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак”.

27. Низомнинг 5.8-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.8. Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритишни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар”:

28. Низомнинг 5.11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.11. Банк Кузатув кенгаши қонунчиликда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиритишни талаб қилган шахслар томонидан чақиритилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Банкнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин”.

29. Низомнинг 7.7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7.7. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 (уч) кишидан иборат бўлади. Саноқ комиссияси таркибига Банк Кузатув кенгашининг аъзолари, Банк Бошқарув раиси, Бошқарув аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас. Саноқ комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини Банкнинг архивига топширади”.

30. Низомнинг 7.8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7.8. Саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертлар (инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) мазкур Низомда ва қонунчиликда белгиланган тартибда жалб этилиши мумкин”.



Def

31. Низомнинг 7.9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “Банкнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банкнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли”.

32. Низомнинг 7.12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7.12. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур Низомнинг 7.11-бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди”.

33. Низом қуйидаги мазмундаги 9.4-банд билан тўлдирилсин:

“9.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган Кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки Кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак”.

